

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Атажанов Ўткир Маматсалаевич**

*мустақил тадқиқотчи;*

**Эшонқулов Ёрбек Ҳазратқул ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим*

*3-ўқув курси 311-гуруҳ курсанти.*

**Аннотация:** *Ушбу илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилади. Қонунчиликда белгиланган тўртта асосий (умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик) профилактика турлари ўрганилиб, уларни амалга оширишдаги асосий тизимли муаммолар чораларнинг формал характери ва виктимологик ёндашувнинг суствлиги кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот натижаларига кўра, профилактика фаолиятини рақамлаштириш («E-profilaktika»), яқка тартибдаги ишларда психологик-диагностик усулларни жорий этиш ва идоралараро ҳамкорликни кучайтириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган. Мақоланинг асосий мақсади профилактика тизимининг самарадорлигини ошириш ва уни замонавий хавф-хатарларга мослаштиришдан иборат.*

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; профилактика инспектори; яқка тартибдаги профилактика; виктимологик ёндашув; рақамлаштириш; идоралараро ҳамкорлик; қоғозбозлик.*

**PROSPECTS FOR ENHANCING THE IMPLEMENTATION MECHANISMS OF CRIME  
PREVENTION MEASURES BY INTERNAL AFFAIRS BODIES**

**Abstract:** *This scientific article analyzes the organizational and legal aspects of improving the activities of the crime prevention services of the Internal Affairs Bodies of the Republic of Uzbekistan. The study examines the four main types of prevention stipulated by law (general, special, individual, and victimological), highlighting key systemic issues in their implementation: excessive bureaucracy, the formal nature of measures, and the weak victimological approach. Based on the findings, scientifically grounded proposals are developed to digitize prevention activities ("E-profilaktika"), implement psychological-diagnostic methods in individual work, and strengthen inter-agency cooperation. The primary goal is to enhance the effectiveness of the prevention system and adapt it to modern security challenges.*

**Keywords:** *Crime Prevention; Prevention Inspector; Individual Prevention; Victimological Approach; Digitization; Inter-agency Cooperation; Bureaucracy.*

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, жинойтчиликка қарши курашишнинг репрессив усулларида кўра, унинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларга устуворлик берилмоқда. «Хавфсиз маҳалла» ва «Хавфсиз ҳудуд» тамойилларининг жорий этилиши ички ишлар органлари, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш жамият барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда ушбу соҳанинг ҳуқуқий пойдевори Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонуни билан мустаҳкамланган. Мазкур Қонун профилактиканинг турлари (умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик) ҳамда асосий принципларини белгилаб берди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асоси қонунчиликда белгиланган профилактиканинг тўрт асосий тури мазмунини чуқур ўрганишдан иборатдир. Бу тизимнинг пойдеворини «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган ушбу тасниф ташкил этади. Ушбу чора-тадбирларнинг мазмунини англаш, амалиётдаги механизмларни мақбуллаштиришнинг дастлабки шarti ҳисобланади.

Қонунчиликда белгиланган ва ташкилий жиҳатдан кенг қамровли ҳисобланган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси кенг жамоатчиликка ва умумий ижтимоий вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган. Унинг асосий чоралари давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш тўғрисида тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритиш каби тизимли вазифалардан иборатдир.

Бундан фарқли ўлароқ, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси алоҳида хавfli гуруҳлар ёки муайян турдаги ҳуқуқбузарликларга йўналтирилган дифференциал ёндашувни талаб этади. Бу йўналишда илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтганларни мослаштириш чоралари муҳимдир. Шунингдек, алкоголь ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилар ўртасида ноқонуний муомаланинг олдини олиш ва мастлик ҳолатидаги жинойтларга қарши курашиш махсус назорат чоралари орқали амалга оширилади.

Ўз навбатида, ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси аниқ бир шахсга (ғайриижтимоий хулқ-атворли ёки ҳуқуқбузарликка мойил) қаратилган бўлиб, бунда профилактик суҳбат, ёзма расмий огоҳлантириш бериш, шахсни профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволашга юбориш ҳамда жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш каби аниқ ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади.

Тўртинчи ва энг муҳим йўналишлардан бири ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ҳисобланади. Бу тур шахснинг ҳуқуқбузарлик жабрланувчисига айланиб қолиш хавфини камайтиришга қаратилган бўлиб, жабрланувчи бўлиш эҳтимоли бор шахслар билан индивидуал ишлаш, аҳолига низоларни ҳал этиш ва ўзини ўзи мудофаа қилиш усулларини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, хавфли ҳудудларни мунтазам назорат қилиш, ишонч телефонлари ва қутқарув хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда Интернет тармоғи орқали огоҳлантирувчи тарғиботларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, қонунчиликда бундай аниқ тасниф мавжуд бўлишига қарамай, айниқса якка тартибдаги чораларнинг формал характерга эгаллиги ва виктимологик чораларни амалга ошириш механизмларини рақамлаштириш, илмий-психологик асосларга кўчириш такомиллаштиришнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқий нормаларнинг амалиётдаги ижро механизми Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низом орқали тартибга солинади. Ушбу идоравий ҳужжат профилактика инспекторлари ва бошқа масъул ходимларнинг кундалик хизмат фаолияти, хусусан, ҳудуддаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш, аҳоли билан ишлаш, ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш жараёнларини аниқ белгилаб берган.

Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, профилактика хизматлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар яхлит ва тизимли ёндашувни талаб этади. Мазкур фаолият аввало бошқарма ва бўлимлар даражасидаги ташкилий-таҳлилий ишлардан бошланади. Бунда ҳудуддаги криминоген вазият чуқур ўрганилиб, жиноятчиликнинг ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинади, мавжуд куч-воситалардан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан давлат органларига тақдимномалар киритиш, давлат дастурлари ижросини мониторинг қилиш ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш устувор вазифа ҳисобланади.

Бевосита жойларда, яъни таянч пунктлари миқёсида профилактика инспекторлари зиммасига маъмурий ҳудудни ҳар куни кўздан кечириш ҳамда йил давомида барча турар-жойларга камида икки маротаба ташриф буюриб, аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш вазифаси юклатилган. Бу жараён ҳуқуқий тарғибот ишлари билан уйғунлашиб, қонунчилик мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтиришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, хусусан, бозорлар, тунги клублар ва интернет кафелар, шунингдек, назоратдаги шахслар устидан доимий кузатув олиб борилади.

Тизимнинг энг муҳим бўғинларидан бири вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги профилактикадир. Бу йўналишда «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир» ва «Ғамхўрлик» каби махсус тадбирлар орқали назоратсиз қолган ёки ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирлар аниқланиб, улар билан яқка тартибдаги ишлар олиб борилади. Мажбурий таълимдан бўйин товлаётган ёшлар ўқишга қайтарилиб, фарзанд тарбиясига масъулиятсизлик билан ёндашаётган ота-оналарга нисбатан қонуний чоралар кўрилади. Зарурат туғилганда, вояга етмаганларни Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ёки махсус мактабларга жойлаштириш чоралари кўрилади.

Махсус профилактика доирасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинган шахсларни мажбурий даволанишга юбориш ишлари ташкил этилади. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида «хавfli гуруҳ»га кирувчи шахслар ҳисоби юритилиб, фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик ҳолатларини аниқлаш бўйича махсус тадбирлар ўтказилади. Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва профилактик ҳисоб юритиш орқали рецидив жиноятларнинг олди олинади.

Мазкур чора-тадбирларнинг барчаси қатъий маъмурий амалиёт билан мустаҳкамланади. Хусусан, аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик юзасидан белгиланган тартибда баённомалар расмийлаштирилиб, ҳуқуқбузарларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсий кўриқдан ўтказиш ва қўлланилган жарималарнинг ўз вақтида ундирилишини назорат қилиш орқали жазо муқаррарлиги таъминланади. Ушбу комплекс ёндашув пировард натижада ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини ишончли таъминлашга хизмат қилади.

Бироқ, бугунги кунда рақамли технологияларнинг ривожланиши, жиноятчиликнинг янги кўринишлари (кибержиноятлар, фирибгарлик) пайдо бўлиши ҳамда ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш механизмларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб этмоқда. Хусусан, амалдаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашинуви, виктимологик профилактикага етарли эътибор қаратилмаслиги ва идоралараро ҳамкорликдаги айрим бўшлиқлар тизим самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш орқали профилактика фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ҳуқуқий асослари яратилганлигига қарамай, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва эмпирик кузатувлар соҳада бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Ушбу муаммолар

профилактика инспекторларининг иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, "Хавфсиз маҳалла" тамойилини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилмоқда.

Биринчидан, бюрократик юкломанинг юқорилиги ва ҳужжат айланишидаги мураккабликлар. Амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика инспекторлари зиммасига кўплаб турдаги китоблар, журналлар ва ҳисоб карточкаларини қоғоз шаклида юритиш мажбурияти юклатилган. Хусусан, фуқароларни қабул қилиш, профилактик суҳбатларни қайд этиш, маъмурий ҳудуд паспортини шакллантириш ва бошқа йўналишлардаги ҳужжатлаштириш жараёнлари ходимнинг асосий иш вақтини банд қилмоқда. Бу эса инспекторнинг бевосита аҳоли билан мулоқот қилиш, муаммоли оилаларни ўрганиш ва низоларни жойида ҳал этиш каби асосий вазифаларидан чалғишига олиб келмоқда.

Иккинчидан, якка тартибдаги профилактиканинг формал характерга эгаллиги. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ғайриижтимоий хулқ-атворли ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан ишлаш механизмлари кўпинча маъмурий характерга эга бўлиб қолмоқда. Профилактик суҳбатлар ва расмий огоҳлантиришлар аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарнинг руҳий-эмоционал ҳолати, ижтимоий муҳити ва жиноятга етакловчи мотивациясини чуқур ўрганмасдан амалга оширилмоқда. Психологик портрет тузиш ва коррекцион дастурларни қўллаш амалиётининг етарли даражада эмаслиги, ўз навбатида, рецидив (қайта) жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, виктимологик профилактиканинг етарли даражада ташкил этилмагани. Амалиётда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фаолияти асосан ҳуқуқбузарлик содир этиб бўлган шахсларни аниқлаш ва жазолашга (реактив ёндашув) қаратилган. Шу билан бирга, жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлган аҳоли қатламлари – ёлғиз кексалар, фирибгарликдан жабрланиши мумкин бўлган молиявий саводхонлиги паст фуқаролар ҳамда назоратсиз қолган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш (проактив ёндашув) механизмлари оқсамоқда. Мавжуд тарғибот ишлари кўпинча умумий тусга эга бўлиб, аниқ мақсадли аудиторияга йўналтирилмаган.

Тўртинчидан, соҳани рақамлаштириш ва ахборот алмашинувидаги камчиликлар. Гарчи тизимга замонавий технологиялар жорий этилаётган бўлса-да, профилактика инспекторларининг кундалик фаолиятида қоғоз шаклидаги иш юритиш ҳали ҳам устуворлик қилмоқда. Маълумотларнинг ягона электрон базага тўлиқ интеграция қилинмагани ҳудуддаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш, жиноятчилик ўчоқларини прогноз қилиш ва тезкор қарорлар қабул қилиш имкониятини чекламоқда.

Юқорида таҳлил қилинган муаммолар, хусусан, профилактика инспекторлари фаолиятидаги бюрократик тўсиқлар, якка тартибдаги ишларнинг формаллиги ва виктимологик ёндашувнинг сустилиги соҳада туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, ИИВнинг

буйруғида белгиланган вазифаларни замон талабларига мослаштириш учун қуйидаги илмий асосланган механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи навбатда, профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда тўлиқ рақамлаштириш ва «Ақлли профилактика» (Smart Policing) моделига ўтиш зарурати мавжуд. Амалдаги идоравий ҳужжатларда назарда тутилган, инспекторлар томонидан қоғоз шаклида юритиладиган кўплаб китоблар, журналлар ва ҳисоб карточкаларини (маъмурий ҳудуд паспорти, фуқароларни қабул қилиш китоби ва б.) бекор қилиб, уларни ягона марказлашган «E-profillaktika» электрон ахборот тизимига тўлиқ интеграция қилиш лозим. Бу ўзгариш фақатгина вақтни тежаш билан чекланмай, балки ҳудуддаги криминоген вазиятни «Big Data» (катта маълумотлар) технологиялари ёрдамида реал вақт режимида мониторинг қилиш имконини беради. Натижада, жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган "қайноқ нуқталар"ни олдиндан аниқлаш ва куч-воситаларни ўша ҳудудга йўналтириш имконияти яратилади.

Иккинчидан, якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида психологик-диагностик ёндашувни амалиётга кенг жорий этиш талаб этилади. Бугунги кундаги стандарт расмий огоҳлантириш ва суҳбатлардан воз кечиб, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларнинг «Психологик хавф портрети»ни тузиш механизмини йўлга қўйиш керак. Бунда ҳар бир назоратдаги шахснинг агрессияга мойиллик даражаси, руҳий ҳолати ва қадриятлар тизими махсус методикалар асосида баҳоланади. Олинган натижаларга кўра, унга нисбатан умумий эмас, балки индивидуал коррекцион (хулқ-атворни тuzатиш) дастурлари қўлланилади. Бундай ёндашув рецидив жиноятларнинг олдини олишда юқори самара беради.

Учинчидан, виктимологик профилактика тизимини тубдан янгилаш, яъни «реактив ҳимоя»дан (жиноят содир бўлгач ҳимоя қилиш) «проактив иммунитет» (ҳуқуқбузарликлар содир этилишидан олдинги ҳимоя) тизимига ўтиш лозим. Бунинг учун аҳолининг заиф қатламлари – ёлғиз кексалар, вояга етмаганлар ва молиявий саводхонлиги паст фуқаролар учун «Виктимологик иммунитет» махсус модулли дастурларини ишлаб чиқиш таклиф этилади. Ушбу дастур доирасида фирибгарлик, ўғирлик ва кибержиноятлар қурбони бўлмаслик кўникмалари замонавий IT-технологиялар (мобил иловалар, хабарномалар) орқали аҳолига етказилади.

Тўртинчидан, профилактика инспекторининг фаолиятини «Маҳалла еттилиги» (профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими) тизими доирасида янгича ҳамкорлик мезонлари асосида ташкил этиш зарур. Бунда профилактика чораларининг самарадорлигини баҳолашда ягона индикаторлар (KPI) тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, муқаддам судланган шахснинг ишга жойлашиши ва жамиятга мослашуви профилактика инспектори ва ҳоким ёрдамчисининг ҳамкорликдаги натижаси сифатида баҳоланиши керак. Бу идоралараро тарқоқликни йўқотиб, муаммоларга комплекс ечим топишга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)
3. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й).
4. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.
5. Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 127-133.
6. Атажанов Ў. М. и др. МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 119-126.
7. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.
8. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.
9. Атажанов Ў. М. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 163-171.
10. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 191-197.
11. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.
12. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва

Ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

**13.** Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.

**14.** Атажанов, У. М. (2025). ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЗАИМОСВЯЗИ ЦИФРОВОЙ КРИМИНАЛИСТИКИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПО ОРГАНИЗАЦИИ И КООРДИНАЦИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 8(5), 127-135.

**15.** Ганиев Ф. Т., Давлетов Ф. О. У. РАБОТА ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ С БЕЗНАДЗОРНЫМИ И БЕСПРИЗОРНЫМИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ И ПРОБЕЛЫ НА ПРАКТИКЕ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 16. – С. 179-182.

**16.** Адхамов, Зафар Акбарович. "ШАХСЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРИДАН ЎТКАЗИШДА ДИНИЙ УЛАМОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ." THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY 2.20 (2024): 114-117.

**17.** Адхамов, З. А. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 165-172.

**18.** Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.